

Сайёранинг биринчи ракамли космонавти кай тарзда халокатга учради? Бу ходисанинг жумбокка айланишига сабаб нимада? Бу саволларга жавоб топиш мумкинми?

Жумбок хакида карашлар...

Расмий маълумотларга кўра, Гагарин ва Серёгиннинг УТИ МиГ-15 самолёти 1968 йилнинг 27 марти, кундузги соат 10:31да Владимирск вилоятининг Киржач шахридан 18 км узокликдаги Новоселово раёнида кулаб тушди. Бу дахшатли хабар бир зумда ер юзига таркалди. Ердан 3000 метр баландликда самолёт булутлардан пастлай бошлади. Юкорига кўтарилган бир неча ёрдам самолёти учувчилар хаётини куткаришига сонияларгина камлик килди. Бутун воқеанинг гувоҳи бўлган Валентин Сурков шундай дейди: 1968 йилда мен Подолск электромеханика заводида ишлардим. Чилангар бўлишимга карамай, РВО самолётини бошқарувчисига нисбатан ёмон билмасдим, — дейди у. — Фожеа арафасида мени Москвадан узок бўлмаган Дуброво харбий кисмига хизмат сафари билан жўнатишди. 27 март куни соат 8.30 да офицерлар ётоқхонасидан чикиб, кўшни ўрмондаги алока бўлимини таъмирлаш учун жўнадим. У ерга яёв 20-25 дакика ичида етиб олса бўларди. Хаво куёшли, осмонда булут кўринмасди. Соат 8.45 да бутунлай тасодифий холга гувоҳ бўлдим. Стромин шахарчаси йўлида куёшга якин жойда аллакандай ярк этган чакнашни кўрдим. Караб турдим: аста-секин шу томондан самолёт кўрина бошлади. Ха, жин урсин, ахир, бу учиш учун такикланган худуд-ку, деб хам ўйладим. Чунки, бу жойда махфий объектлар худди, бочкага солинган салд балигидек, сир тутилар эди. Кейин тушундимки, бу самолётда кандайдир носозлик юз берган. Фикримча, двигатели ишдан чиккан эди.

Самолёт арвоҳга ўхшаб, шимоли-шаркка томон 8 метр баландликда 300 км тезлик билан учиб ўтди. Хотирамга кўра (аник эсламан), сирли бу самолёт 40-43 градусга пасайиб борарди.

Учишини 30 ёки 40 сония кузатдим. Сўнг УТИ МиГ-15 самолёти уфкка сингиб кетди. Соат роппа-роса 9.00 да ишга келиб, навбатчи маёрга кўрган воқеаларимни айтганимда, у хам хавотирга тушди ва тез орада каэргадир маълум килди. Аппаратураларни текшириб, яна ётоқхонага кайтдим. Соат 10.00 да 3 та кидирув вертолётининг учиб ўтганини пайкадим. Ердан 50 метр баландликда у майдонни кўздан кечирар эди. Галати кун бўлди — такикланган худудда хали самолёт, хали вертолёт учарди. Кейин эса, бу самолёт Гагарин ва Серёгин Чкалов аэродромидан кўтарилган самолёт эканлигини билдим.

Бу воқеалар шу билан тугаб колмади, соат 11.00 да гарнизон оёкка турди, иккита «Зил» машинани аскарга тўлдириб каёккадир олиб кетишди. Кун ярмига келиб радиодан, «Гагарин халок бўлди», деган хабар янгради.

Гагарин самолёти Мелжа дарёси билан Торф боткоги оралигида кулаб тушди. Воқеа содир бўлган пункт якинидаги Крутетс шахарчасининг Рязантс кишлоги ахолиси воқеадан хайратга тушишди. Халокат жойида пайдо бўлган чукурлик тезда боткок сувга

тўлди. Боткок чеккасида ўсаётган дарахтларда алюмин парчалари баргга ўхшаб осилиб колди. Портлаш бўлмади — бўлса мен эшитар эдим. Самолёт шунчаки, дарахтга урилиб парчаланиб кетди.

Кейин маълум бўлдики, самолёт Чкаловдан Электростал шахригача учиши, сўнг Горкий шоссеси ёкалаб бориши керак эди. Мен халигача тушунолмаيمان — Электросталда нима бўлди, самолёт нима учун тақикланган худуддан учиб ўтди. Тахминимча, мен самолётни кўрган вақтда ҳам Гагарин ва Серёгин тирик эмасди. Тирик бўлганда, улар самолётни бемалол ерга кўндира олмасмиди, машинани тўгрилашга уринмасмиди ёки бўлмасам, катапулта килолмас эдими? Менга яна битта савол тинчлик бермайди. Қандай мақсадда узок вақт давомида бизга биринчи рақамли космонавт хақида ёлгон маълумот беришган? Ахир, Новоселовода хозир ҳам халокат колдиклари мавжуд-ку...

Юрий Гагарин ўлимидан олдинги 19 дақиқа...

Карийб, 40 йилдирки, сайёранинг биринчи рақамли космонавти қандай халок бўлганлиги билан боғлиқ бир қанча тахминлар юради. Бу сирли жумбок юзасидан Гагариннинг бошлиги генерал Николай Кузнетсовда шундай маълумотлар бор.

1968 йил 27 март, чоршанба.

Гагариннинг кун тартиби эрталабдан кечгача белгилаб қўйилган эди. Шу кун у 3 марта хавога кўтарилиши, биринчи марта полк командири билан, хуллас у учиш дастурини албатта бажариши керак эди. Аммо Гагарин ташвишда, чунки хотини касалхонада эди. Йўл-йўлақай унинг ёнига кирди, кейин генерал Кузнетсов билан аэродромга жўнади. Етиб келгач, ён-атрофга бошқача назар билан разм солди. Биринчи навбатда врач кўригидан ўтди, инженер олдига бориб қисмининг «техник тайёргарлиги»ни кўздан кечирди. Синоптиklar маълумотларини олгач кабинага чикди. Серёгин ҳам ишдан бўшамагани сабабли Чкалов гарнизони бошлиги учишга рухсат бермаган эди. Транспорт самолётининг синовлари анчага чўзилди. Нихоят, Серёгин кабинага чикди.

10.12 да самолёт ердан кўтарилди. Гагарин ва Серёгин халокатига 19 дақиқа колди. 5 минутдан сўнг Гагарин учиш бошқарувчисига маълумот берди:

— 625- чи, майдонни банд қилдим. Баландлик — тўрт!

— 625-чи, буйрукни бажаринг! — буюрди парвоз бошқарувчиси.

Белгиланган режани бажариш учун ҳаммаси бўлиб 20 дақиқа керак эди. Балки 23-25 дақиқа...

Лекин 5 дақиқадан сўнг Гагарин ерга маълум қилди:

— Майдондаги топширикни бажардим.

У хушёр бўлиш ўрнига вақтдан тигиз фойдаланарди. Кабинада турган полк командири топширикни ўзгартириш ҳуқуқига ҳам эга эди. Шу сабаб ерга хабар бермасам ҳам бўлаверарди. Парвоз бошқарувчиси ҳеч нарса сўрамай қўйди.

Серёгин бирор маротаба ҳам алоқага чикмади. 10.30 да Гагарин ва Серёгиннинг икки кишилиқ УТИ МиГ-15 самолёти ер билан алокани узди. Айнан, соат 10.30 да

космонавтнинг кўл соати ҳам тўхтаб қолди. Худди хаётига ҳам нуқта қўйилгандек.

Ҳожеа содир бўлган жойда харбий кутқарувчи гуруҳлар пайдо бўлди. Атрофдан кучли керосин хиди анкиб турарди. Самолёт канотларини кесиб ташлаган иккита кайин дарахти шохларида Гагарин куртқаси бўлақлари осилиб турарди. Ҳамма ёқда самолёт парчалари сочилган, тор йўлакда пастки жағ тишлари ётарди...

Ҳозиргача биринчи космонавтнинг қандай халок бўлганини ҳеч қим аниқ айта олмайди.

Сухроб Шеров, Эркин Кодиров таржимаси